

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12.2019Тib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЛАТИПОВ ОРИФ ЗАРИПОВИЧ

**АМБУЛАТОРИЯ ШАРОИТИДА ҚЎЛ ПАНЖАСИНИНГ
ЙИРИНГЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Жарроҳлик

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2159 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.


Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.buhmi.uz) ва “ZiyoNet” (www.ziyo.net.uz) ахборот-таълим порталига жойланган.

Илмий раҳбар	Сафоев Бақодир Барноевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Гулямов Олимжон Мирзахитович тиббиёт фанлар доктори Тешаев Октябрь Рухиллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси 2022-йил 24 феврал соат 12³⁰ да, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc./PhD04/30.12.2019Tib.93.01 Илмий Кенгаш мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 200100, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш., Навоий кўчаси, 1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (01 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш., Навоий кўчаси, 1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати « 10 » феврал _____ 2022 йил тарқатилди.
(2022 « 10 » феврал _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Қўл панжасида ўткир йирингли яллиғланувчи касалликлар ҳам учраш частотаси, ҳам беморларни меҳнатга лаёқатиз қиладиган вақтнинг умумий миқдори бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Аксарият мамлакатларда йирингли-септик асоратларни камайтиришга йўналиш йўқ. Биринчи бор жарроҳлик ёрдамни сўраб мурожаат қилган беморларда юмшоқ тўқималар ҳамда суякда барча йиринг жараёнлари орасида, қўл панжаси йирингли касалликларининг солиштирма вазни, Россия ва хорижлик муаллифларнинг замонавий маълумотларига кўра, 8 дан 30% гача ташкил этади. Қўлларда йирингли-яллиғланиш хасталиклари жиддий тиббий-ижтимоий муаммони ўзида намоён этади. Мазкур мавзунинг долзарблиги “меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида касалланишлар сонининг юқорилиги, функционал фаол бўлган ўнг қўлнинг кўпроқ шикастланиши, шунингдек стационаргача бўлган даволаш босқичида жарроҳлик ёрдами қониқарсиз ташкил қилинганлиги”¹ билан боғлиқ.

Бутун дунёда йирингли жарроҳлик касалликларини даволаниши, қўл панжасида касалликнинг оғир кечиши нафақат унинг анатомик тузилмаларини ўзига хос хусусиятлари, балки, даволашнинг ўзига хосликларини аниқловчи ягона ташкилий ҳаракатларнинг йўқлиги билан боғлиқлигини кўрсатади, бу эса кўпинча тузалиш муддатларининг узайиши ва катта молиявий харажатларга олиб келади. Қўл панжаси ва бармоқларда йирингли касалликларнинг салбий оқибатлари мураккаб ижтимоий муаммоларни, шу жумладан беморларнинг ишга жойлашиши, моддий таъминоти, шунингдек уларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Қўл панжасида йирингли жарроҳлик касалликларини даволаш учун турли маҳаллий препаратлар ва жисмоний усулларнинг энг самарали мажмуавий таъсири ҳам кутилган натижа бермайди, шунинг учун панжада йирингли касалликларни диметилсульфоксиднинг 25% ли

¹ Колодкин Б.Б. Лечебно-диагностический алгоритм в хирургии гнойных заболеваний кисти и пальцев: Автореф. дис... канд.мед.наук.- М., 2019.- 24 с.

эритмасидан фойдаланиб, абактериал мухит қўллаш йўли билан даволаш усулини ишлаб чиқиш, панжа ва бармоқларда йирингли касалликлари бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш натижаларини яхшилаш мақсадида уларнинг самарадорлигини ўрганиш, ушбу усулнинг клиник амалиётга тадбиқ этилиши энг долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, у касаллик оқибатларини яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини дунё стандартлари талабларига мослаштириш ҳамда бармоқлар ва панжада йирингли-жарроҳлик касалликларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан “...мамлакатда тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш...” белгиланди².

Ушбу диссертация иши маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 16-мартдан “Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4985 сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-июндан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда тасдиқланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

² Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жарроҳлик амалиётида панжанинг ўткир йирингли-яллиғланиш касалликлари ҳам учраш частотаси, ҳам беморларни меҳнатга лаёқатиз қилиш вақтининг умумий миқдори бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди (Петрушин А.Л. 2011; Рутенбург Д.Г.2014; Kennedy С.Д. 2017).

Биринчи бор жарроҳлик ёрдами сўраб мурожаат қилган беморларда юмшоқ тўқималар ҳамда суякда барча йиринг жараёнлари орасида, қўл панжаси йирингли касалликларининг солиштирма вазни, Россия ва хорижлик муаллифларнинг замонавий маълумотларига кўра, 8 дан 30% гача ташкил этади (Menendez ME, Ring D.2016). Қўлларда йирингли-яллиғланиш хасталиклари жиддий тиббий-ижтимоий муаммони ўзида намоён этади. Мазкур мавзунинг долзарблиги меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида касалланишлар сонининг юқорилиги, функционал фаол бўлган ўнг қўлнинг кўпроқ шикастланиши, шунингдек стационаргача бўлган даволаш босқичида жарроҳлик ёрдами қониқарсиз ташкил қилинганлиги билан боғлиқ (Охунов А.О. 2018).

Статистика маълумотлар шуни кўрсатадики, кўпинча касаллик энг меҳнатга лаёқатли ёшда, 20 ёшдан 50 ёш оралиғида учрайди. Кузатилган бу тенденция фақат Россия ва Ўзбекистонда сақланмасдан, бутун жаҳон ҳамжамияти учун хос. Полша ва Германияда (Мюнстер университети) ўтказилган эпидемиологик тадқиқотларнинг натижалари панжада йирингли касалликлар ривожланиш частотасининг ўсишини тасдиқлади (Крайнюков П.Е. 2018).

Турли муаллифларнинг катта статистик материаллари, айнан майда шикастланишлар жароҳатланган инсонларда хушёрлик чақирмаган деган хулосага келиш имконини беради: яраларга ишлов берилмаган, беморлар тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилмаган. Тор яра канали тез ёпилган, бу яранинг дренаж функциясини бузган. Панжанинг юмшоқ тўқималари уколдан кўра катта яра нуқсони билан шикастланиши камдан-кам ҳолатларда флегмон ёки панарициялар билан оғирлашади. Бунга тиббий ёрдамнинг ўз

вақтида кўрсатилиши, ярада етарлича дренаж функциясини амалга ошириш учун шароит мавжудлиги ва бошқалар кўмаклашади (Бабаджанов Б.Д., 2018). Қўлларда йирингли-яллиғланиш шикастланишлари вужудга келишининг сабаби, аксарият ҳолатларда, йиринглатувчи инфекцияларнинг тушиши учун дарвоза ҳисобланган бирламчи яралар бўлди – 449 та (68%) ҳолат. Улардан 124 нафар (18,8%) бемор турли яраларга, 104 нафари (15,8%) – қопилган, 81 таси (12,3%) – тешилган, 68 нафари (10,3%) – лат ейиш ва инфекцияли (шу жумладан, нотиббий наркотик воситаларини инекцияларидан кейин вужудга келган), 3 нафари (0,3%) – куйган, 1 нафари (0,2%) – чопилган ярага эга бўлди.

Инфекция яралари вужудга келишига олиб келган иккита камдан-кам ҳолат ўзига эътиборни тортди: денгиз типратиканининг санчиши ва тиббиёт зулукларини бармоқлар соҳасига жойлаштириш билан даволашдан юзага келган яралар. 6 та (0,9%) ҳолатда кенг йирингли яллиғланиш абсессланувчи фурункуланнинг жадаллашишини натижаси бўлди. 205 та (31%) ҳолатда касалликнинг вужудга келишида бирламчи сабаб аниқланмай қолди. Ушбу гуруҳда қатор беморларда инфекция учун йўл вазифасини бажарган, қўлларнинг сезилмас микрожароҳатлари мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Микроорганизмларнинг инфекциянинг сурункали ўчоқларидан гематоген йўллари ҳам истисно қилинмади. Шундай қилиб, қўлларда ўткир йирингли-яллиғланиш касалликлари юзага келишини олдини олишда тери қопламаларининг бутунлигини сақлаш, касбий ва маиший жароҳатларнинг олдини олиш муҳим жиҳатлар эканлиги белгиланди (Рутенбург Д. Г. ва ҳаммаул., 2011).

Ўзбекистонда панжа ва бармоқларнинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларга жарроҳлик ёрдамни тизимли ташкил қилиш, диагностикани такомиллаштириш, яра инфекциясини даволаш ва унинг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди (Охунов А.О., 2015).

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, панжа ва бармоқларда йирингли жарроҳлик касалликларини даволашнинг содда ва самарали усулларини қидириш ишлари давом этмоқда ва энг яхши натижаларни диметилсульфоксиднинг 25% эритмасидан фойдаланиб, абактериал муҳит қўллаб олиш мумкин. Бироқ, ҳозирги кунда бундай усулдан фойдаланилмаяпти ва панжа ва бармоқларнинг йирингли жарроҳлик касалликларини маҳаллий даволашда унинг самарадорлик масаласи ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим yoki ilmiy-tadqiqot муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ **02.2018.PhD.013** “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: амбулатор шароитларда абактериал муҳитни қўллаш йўли билан йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни даволаш натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амбулатор шароитда панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни анъанавий даволаш усулини қўллаш самарадорлигини ўрганиш;

амбулатор шароитда панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни даволашда абактериал муҳитдан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни даволашда анъанавий усул ҳамда диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳит қўллаб олиб бориладиган усул натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

амбулатор шароитда панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни абактериал муҳит қўллаган ҳолда даволашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси оилавий поликлиникасида 2016-2020-йиллар даврида даволанишда бўлган, панжанинг ўткир йирингли жарроҳлик касалликларига эга 148 нафар бемор бўлди.

Тадқиқотнинг предмети панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда йирингли яраларни абактериал муҳитдан фойдаланиб даволашнинг маҳаллий усулини ишлаб чиқиш, микроорганизмларнинг турли штаммлари ҳисобланади. Клиник материални олиш усули сифатида биопсия интраоперация материали, шунингдек яра изларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини олиб бориш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун: интоксикация кўрсаткичлари, яра жараёнларининг динамикаси, биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси ва яраларнинг битиш тезлигини баҳолаш, бактериологик, цитологик ва статистика тадқиқотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

клиник тадқиқотлар билан амбулатор шароитда панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни даволашда абактериал муҳитни қўллаш самарадорлиги аниқланди;

клиник тадқиқотлар асосида панжасида йирингли-некротик касалликлари бўлган беморларни даволаш комплексида абактериал муҳитни маҳаллий қўллаш самарадорлиги ўрганилган;

абактериал муҳит кўпроқ ярани тозаланишига таъсир қилиши ҳамда репаратив жараённи яхшилаши, бу билан панжасида йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни даволаш муддатларини 2-3 кунга қисқартириши кўрсатилган;

панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни даволаш усули сифатида абактериал муҳитдан фойдаланишнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

абактериал муҳит панжанинг йирингли-жарроҳлик касалликларини даволашда ярага самарали таъсир қилувчи усули ҳисобланиши белгиланган;

диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси қўлланган абактериал муҳит панжанинг турли этиологияли йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларни маҳаллий даволашда кўрсатилганлиги аниқланган;

амбулатор шароитда панжанинг йирингли-некротик касалликлари бўлган беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган;

диметилсульфоксид эритмаси қўлланган абактериал муҳит яра жараёнлари фазасининг алмашиш муддатларини тезлашишига қўмаклашади ва бу билан панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни даволаш муддатларини 5-6 кунга қисқаришига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланадиган клиник, лаборатор ва ускунавий тадқиқот усулларининг қўлланиши билан тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Олинган натижаларнинг статистик қайта ишланиши уларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятга эгаллиги билан аниқланади, улар панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларда яраларни маҳаллий даволашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Биринчи бор панжанинг йирингли яралари бўлган беморларни даволаш учун диметилсульфоксид эритмаси қўлланадиган абактериал муҳитнинг самарадорлиги тажрибавий ва клиник тадқиқотлар билан аниқланган. Панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни комплекс даволашда диметилсульфоксид эритмаси билан абактериал муҳитни маҳаллий қўллашнинг самарадорлиги ўрганилган. Панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни даволашнинг усули сифатида

абактериал муҳитдан фойдаланишнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилган. Мазкур тадқиқотнинг алоҳида натижалари дипломдан кейинги таълим факултетларининг курсантларини панжанинг йирингли касалликларини патогенези, клиникаси, диагностикаси ва маҳаллий даволанишига бағишланган мавзулар бўйича ўқитиш дастурларининг таркиби ва тузилишини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот ишининг амалий қиймати шундан иборатки, ярани инфекциядан тозалаш муддатларини тезлаштириш мақсадида, амбулатор шароитда панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни даволашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилган. Диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳитни қўлланиши яра жараёнларининг фазалари алмашишини тезлаштиради ва бу билан панжанинг йирингли яралари бўлган беморларни даволаш муддатларини қисқаришига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши. Панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни даволаш натижаларини панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларини даволашда абактериал муҳитдан фойдаланиш йўли билан яхшилаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

“Панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда яраларни даволаш усуллари” мавзусида услубий тавсия тасдиқланган (ЎзР ССВ илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича – 2021-йил 4-октябрдан 8 н-р/1042-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсия панжанинг йирингли жарроҳлик касали бўлган беморларда абактериал муҳитни қўллашда асоратларнинг олдини олиш имконини беради;

“Панарициянинг турли шаклларига эга беморларни даволаш усули” мавзусида услубий тавсия тасдиқланган (ЎзР ССВ илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича – 2021-йил 4-октябрдан 8 н-р/1043-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсия панжанинг

йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда яраларни битиш динамикасини баҳолаш имконини беради;

Даволаш ва диагностика натижаларини яхшилаш бўйича олинган тадқиқот маълумотлари амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Когон туман тиббиёт бирлашмаси ва Гиждувон туман тиббиёт бирлашмасининг амалий-даволаш ва даволаш фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 4-майдан -сон хулосаси). Амалиётда тажрибавий ва клиник тадқиқотлар билан панжанинг турли этиологияли йирингли жарроҳлик касалликларидан сўнг диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳитни қўллаш самарадорлигини аниқланган. Тадқиқот натижасида панжанинг йирингли-некротик касалликлари бўлган беморларни даволаш ҳамда диметилсульфоксид эритмаси билан абактериал муҳитни қўллашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган, у яра жараёнлари фазасининг алмашиши тезлашишига кўмаклашади ва бу билан панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларни даволаниш муддатини 3 суткагача қисқаришига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 0 халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференция ва съездида тақдим қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида жами 6 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та журнал мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган

адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг хажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, унинг мақсади ва вазифалари асосланади, объекти ва предмети тавсифланади. Тадқиқотнинг республика илм ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилади. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилиши бўйича маълумотлар келтирилган, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар тақдим қилинган.

Диссертациянинг биринчи **“Адабиётлар шарҳи”** бобида замонавий адабиётларнинг таҳлили келтирилган, шу жумладан панжанинг йирингли жарроҳлик касалликларида йирингли-яллиғланиш жараёнлари, яранинг битиши ва ундаги жараёнларга таъсир қилиш усулларига замонавий қарашлар берилган. Яраларни даволашда абактериал муҳит ҳамда диметилсульфоксид кимёвий препаратнинг ўрни муҳокама қилинган.

Диссертациянинг иккинчи **“Тадқиқот ва даволаш материаллари, усуллари”** бобида беморларга клиник тавсиф берилган ва беморларни даволашда қўлланадиган восита ва усуллар, клиник-лаборатор ва ускунавий тадқиқот усуллари таърифланган.

2016-2020-йилларда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг оилавий поликлиникасида амбулатор даволашда бўлган, панжанинг турли этиологияли йирингли жарроҳлик касалликларига эга 148 нафар беморни текшириш ва даволаш маълумотлари таҳлил қилинган.

Барча беморлар даволаш усулига боғлиқ равишда 2 гуруҳга бўлинди: I- гуруҳ – таққослаш гуруҳи ва II – асосий гуруҳ. I- таққослаш гуруҳидаги беморларда яралар водород пероксидининг 3% ли, фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси ва некрэктомия билан санациядан сўнг маҳаллий даволаш учун

диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан қайта ишлаб, сувда эрувчан левомекол мазидан марли боғлам қўйилди. Ярадан ажралган микрофлоранинг таъсирчанлигини эътиборга олиб тизимли антибиотик терапия, дезинтоксикация терапияси, шунингдек белгиларга қарши даволаш олиб борилди. Асосий, II-гуруҳ беморларида, ўз навбатида, тадқиқотнинг вазифаларига мувофиқ равишда қўшимча тарзда, суткасига 2 маҳал, 8 соат оралиғида йиринг ўчоғига абактериал муҳит қўлланди.

Таққослаш гуруҳидаги беморларга яралар антисептиклар – водород пероксидининг 3% ли, фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси ва некрэктомия билан санация қилинганидан сўнг маҳаллий даволаш учун сувда эрувчан левомекол мази билан марли боғлам қўйилди. Ярадан ажралган микрофлоранинг таъсирчанлигини эътиборга олиб, тизимли антибиотик терапия, шунингдек белгиларга қарши даволаш олиб борилди.

II-гуруҳда йиринг ўчоғи жарроҳлик йўли билан қайта ишлангандан сўнг, юқорида келтирилган анъанавий даволаш усулига қўшимча тарзда диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳит қўлланди.

Диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳитни қўллаш усули: абактерия муҳити стерил резина жарроҳлик қўлқопидан фойдаланиб тайёрланди, бунда қўлқопнинг ўлчами бемор панжасидан 2 рақамга катта қилиб олинди. Қўлқопнинг ичи бармоқларнинг юқори чегарасигача диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан тўлдирилди, кейинчалик унга беморнинг шикастланган панжаси киритилди. Қўлқопнинг юқори қисми биланнинг пастки қисмига маҳкамловчи материал ёрдамида герметик зич боғланди.

Яра жараёнларини умумий ва маҳаллий белгиларининг динамикаси интоксикация кўрсаткичлари, биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси ва яраларнинг битиш тезлиги, бактериологик ва цитологик тадқиқотлар билан баҳоланди.

Бактериологик тадқиқотлар ярадан ажралгани олиш, яра микрофлорасининг сифати ва миқдорини ҳамда унинг антибактериал

препаратларга таъсирчанлигини аниқлаш йўли билан олиб борилди. Анаэроб бактерияларни ажратиш олиш учун В. М. Кочеровэц таклиф қилган усулдан фойдаланилди. Микробиологик тадқиқотлар учун дастлабки материал сифатида йирингли яралардан экссудат хизмат қилди. Унинг бир қисми шу захоти уч таркибли газ: азот (80%), карбонат ангидрид ва (10%), водород (10%) аралашмасига эга, совун стерил транспорт флаконида инъекцияланди. Материалнинг бир қисми стандарт усул бўйича аэроблар мавжудлигига ўрганилди. Бундан ташқари, операция хонасининг ўзида экспресс – бактериоскопия учун Грамм бўйича бўялган мазок тайёрланди. Транспорт флакони бактериологик лабораторияга етказилди. Ультрабинафша нурлари билан анаэробларнинг флюоресцентловчи хоссалари ўрганилди ва улар шу ернинг ўзида экилди.

Тоза маданиятларни ажратиш ва натив материал анаэроб микрофлорасининг микдор тавсифи учун Т. С. Гоулд усули бўйича анаэроб гемагор солинган олдиндан редуцияланган (микроанаэроостатда камида 1 сутка ушланган) чашкаларга экилди.

Аэроб бактерияларнинг таъсирчанлиги зич озуқа муҳитида стандарт дисклардан диффузия усули билан, анаэроб микробларнинг таъсирчанлиги – агарда диффузия усули билан аниқланди.

Тситологик излар М. П. Покровский ва М. С. Макаров усули бўйича олинди. Некротик қатлам ва дори аралашмалари олинганидан кейин бир соҳадан 2 та из олинди. Жараённинг динамикаси тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун хужайра таркиби фоизда ифодаланди, препаратнинг турли соҳаларида 100 дан 300 тагача хужайралар ҳисобланди.

Барча беморларда, динамикада яра экссудатининг рН-метрияси ўтказилди.

Эндоген интоксикация даражаси 210 тўлқин узунлигида, спектрометрия билан ўрта молекуляр пептидлар (МСМ) даражаси бўйича баҳоланди.

Шунингдек диметилсульфоксиднинг микробиологик фаоллигини ўрганиш ҳамда унинг патоген микроорганизмларга нисбатан максимал

бактерицид таъсир қилувчи концентрациясини *in vitro* аниқлаш амалга оширилди.

Олинган натижаларнинг математик қайта ишланиши вариантли статистика усуллари билан олиб борилди. Вариантли статистика усули ёрдамида ўрта арифметик (M), унинг хатолиги ($\pm m$), 95% ишонч интервали ИИ, турли аҳамият даражасида Студент (t) мезони (P) аниқланди. $P < 0,05$ бўлганида натижалар ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг учинчи **“Юмшоқ тўқималарда йирингли касалликларни анъанавий даволаш натижалари”** бобида панжа ва бармоқларда йирингли касалликлари бўлган беморларни анъанавий даволаш самарадорлиги баҳоланди.

1-гуруҳга панжа ва бармоқларнинг йирингли касалликларига эга 78 нафар бемор киритилди. Улардан 45 тасида (57,7%) бармоқларнинг турли этиологияли, йирингли яллиғланувчи жараёни кузатилди, 33 та (42,3%) беморда эса – панжанинг йирингли жарроҳлик касалликлари қайд этилди. Қабул қилинган пайтда барча беморларда яралар яра жараёнининг I-фазасида бўлди. Барча беморларга қабул қилинган куни йирингли ўчоқнинг очилиши амалга оширилди.

Қабул қилинган пайтда беморларнинг умумий ҳолати, аксарият ҳолатларда, ўрта оғирлик даражасида бўлди. Клиник-лаборатория маълумотларига кўра умумий интоксикация ҳолатлари устунлик қилди: тана ҳароратининг ошиши ёки турғун субфебрилитет, оқариш, кам ҳаракатчанлик, суст пулс фониди тахикардия, қонда ЭЧТ (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) нинг ортиши, лейкоцитоз ва формуланинг чапга силжиши. Умумий белгиларга параллел тарзда касалликнинг маҳаллий кўринишлари ифодаланди: яра соҳасида тўқималарнинг гиперемия, шиши ва инфилтрацияси. Палпация билан чуқур оғриқли инфилтрация кузатилди.

Барча беморларга қабул қилинган куни тезкор тартибда, мос келувчи олдиндан дори-дармонлар қўлланганидан сўнг йирингли ўчоқни очиш операцияси ўтказилди. Йирингли яраларни даволашнинг асосий

принциплари бажарилганидан ҳамда яра микрофлорасининг таъсирчанлигини эътиборга олиб тизимли антибиотик терапияси кўлланганидан сўнг, кунига 1 маҳал йирингли бўшлиқнинг антисептик, водород пероксидининг 3% эритмаси ва диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан антисептик марли боғлам остига левомекол мазини кўйиш билан санацияси олиб борилди. 60% дан зиёд жарроҳлик амалиётлари маҳаллий анестезия остида олиб борилди.

I A – кичик таққослаш гуруҳида бармоқларнинг йирингли касалликларига эга беморлар организмини интоксикация кўрсаткичларининг натижалари таҳлил қилиниши қуйидаги ўзгаришларни аниқлади (1-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, биринчи даволаш куни беморларда тана ҳарорати ўртача $38,7 \pm 0,32$ °C ни ташкил этди. Қонда лейкоцитлар миқдори ўртача $9,8 \pm 0,35 \times 10^9$ /л га тенг бўлди. Ўрта молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,208 \pm 0,011$ бирликни ташкил этди. Шунга ўхшаш тарзда ИЛИ (интоксикациянинг лейкоцитар индекси) ва ЭЧТ (СОЭ) нинг ортиши кузатилди.

Даволашнинг еттинчи суткасида бу рақамлар, гарчи янада камайиш тенденциясига эга бўлсада, бироқ меъёрдан юқориликча сақланди.

Кейинги даволаш ва кузатув давомида, ўнинчи суткада интоксикациянинг барча таҳлил қилинаётган кўрсаткичлари, қонда ЭЧТ дан ташқари, меъёр доирасида бўлди.

1- жадвал

I A – кичик таққослаш гуруҳида панжа бармоқларида йирингли жарроҳлик касалликларига эга беморларда интоксикация кўрсаткичларининг динамикаси (n=45)

Кўрсаткичл	Кузатув вақти
------------	---------------

ар	Қабул қилинган кун	3-кун	5-кун	7-кун	9-10-кун
тана t ⁰	38,7±0,32	37,8±0,16*	37,3±0,22*	37,1±0,11	36,7±0,12*
конда L ×10 ⁹ /л	9,8±0,35	8,6±0,34*	7,8±0,27	6,2±0,31	6,0±0,28
МСМ бир	0,208±0,011	0,175±0,007**	0,161±0,008	0,128±0,007**	0,103±0,005***
ИЛИ бир	2,3±0,08	1,85±0,08*	1,8±0,06	1,5±0,07	1,1±0,06***
ЭЧТ мм/соат	45,4±1,77	36,3±1,48*	31,2±1,34*	26,5±1,12***	14,3±0,68***


Эслатма: * - олдинги суткаларда олинган маълумотларга нисбатан фарқлар (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001) да аҳамиятли

Беморларда яра жараёни динамикасини баҳолашнинг навбатдаги мезонлари, яра муҳитида рН, яра юзасининг камайиш фоизи ва М.Ф.Мазурик бўйича ПК кўрсаткичлари бўлди. Таҳлил қилинаётган гуруҳдаги беморларда мурожаат қилинган биринчи кун яра муҳитида рН нинг дастлабки даражаси ишончли анча паст бўлиб (ацидоз), ўртача 4,5±0,17 ни ташкил қилди. Яра экссудатида оксил ўртача 58,9±1,59 г/л га тенг бўлди. Бунда ПК ўртача 0,9±0,04 бирликни ташкил қилди. Фақат даволашнинг ўнинчи суткасига келиб яра соҳасида рН нейтрал бўлди. Бир суткада яра юзасининг камайиши 3,4±0,21% га тенг бўлди. Ярадан экссудат ажралиши тўхтади, бу, фикримизча, яра жараёнининг 1-фазадан 2-фазага ўтиши билан боғлиқ.

Яра жараёнини баҳолашда ўзига хос мезонлардан бири микробларнинг уруғланиш даражасини аниқлаш, микрофлоранинг тур таркиби ҳамда яранинг тозаланиш муддатларини қайд этиш бўлди. 1-таққослаш гуруҳида бармоқларининг йирингли касалликларига эга беморларнинг инфекцияланган яраларини экссудатидан олинган микрофлоранинг тур таркибини аниқлаш натижалари 1-расмда келтирилган.

Аксарият ҳолатларда, 33 нафар беморда *Staphylococcus spp.* кузатилди, уларда 16 нафарида (20,5%) у монокултура кўринишида ҳамда 19 (24,3%)

нафарида ассоциация кўринишида бўлди. 29 та кузатувда *Escherichia coli* соли аниқланди, у 12 та (15,3%) ҳолатда монокултура кўринишида ва 20 та (25,6%) ҳолатда микроб ассоциацияси кўринишида учради. Учраш частотаси бўйича навбатдаги ўринда *Proteus* кузатилди – 18 та кузатув, у 8 та ҳолатда (10,2%) монокултура кўринишида ва 9 та (11,5%) ҳолатда микроб ассоциацияларининг таркибида кузатилди. Кейинги ўринда *Enterococcus* аниқланди, у 15 та ҳолатда қайд этилди, у монокултура ва ассоциациялар кўринишида мос равишда 8 (10,2%) ҳолатда учради, *Streptococcus* 7 та ҳолатда қайд этилиб, 4 ҳолатда (5,1%) – монокултура ва 3 ҳолатда (3,8%) ассоциацияда кузатилди. *Pseudomonas aeruginosa* 2 нафар (2,5%) беморда монокултура кўринишида, шунингдек 1 нафар (1,3%) беморда микроб ассоциацияси таркибида аниқланди.



1-расм. I-такқослаш гуруҳида йирингли касалликларга эга беморларнинг инфекцияланган яраларини экссудатидан олинган микрофлорани тур таркиби.


Ушбу кичик гуруҳ беморларида йирингли яраларнинг микробга эгалик даражаси динамик назорат қилиниши қуйидагиларни аниқлади: қабул қилинган пайтда микроб уруғланиши, ўртача, 10^8 мт/г га тенг бўлди, яра жарроҳлик йўли билан қайта ишланганидан кейинги суткада мазли боғлам қўйилганида унинг қиймати 10^5 мт/г ни ташкил этди. Комплекс даволашнинг

4-суткасида, бу беморларда микроб уруғланишининг даражаси кескинлик чегарасидан паст бўлиб, тўқиманинг 10^2 мт/г қисмини ташкил этди.

Диссертация ишининг тўртинчи “**Панжада йирингли касалликларни даволашда диметилсульфоксиднинг 25% эирмаси билан абактериал мухитни маҳаллий қўллаш самарадорлиги**” бобида панжада йирингли жарроҳлик касалликларида ҳамда панарициянинг турли шаклларида йирингли яраларни комплекс даволаш учун диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал мухит қўллаш самарадорлигини баҳолаш натижалари тақдим этилган.


Бармоқларнинг турли йирингли ва яллиғланган жарроҳлик касалликларига эга 41 нафар (58,6%) беморда (II А кичик гуруҳ) диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал мухит қўллаш самарадорлиги ўрганилган. Қуйида мазкур кичик гуруҳ беморларидан олинган таҳлилларни алоҳида келтираамиз.

Айтиб ўтилганидек, II А кичик гуруҳида 41 нафар бемордан 8 нафариди (19,5%) йирингли яралар паронихия кўринишида, 9 нафариди (21,9%) тирноқ остида, 4 нафариди (9,8%) бўғимли, 8 нафариди (19,5%) суяк панарицияси ҳамда 12 нафариди (29,3%) пандактилит кўринишида кузатилди. 29 нафар (41,4%) беморда (2-расм).



2- расм. II А кичик гуруҳ беморларининг панжа бармоқларида йирингли жарроҳлик касалликларининг турлари (n=41)

II Б кичик гуруҳда панжанинг йирингли касалликлари турли этиологик омиллардан сўнг тенер флегмони кўринишида 9 нафар (31,1%) беморда, гипотенер флегмони кўришида 6 та (20,7%) ҳолат, ўрта кафт соҳаси (апоневротик) флегмон кўринишида 2 нафар (6,9%), шунингдек комиссурал флегмон (кавариқ абсцесс) кўринишида 9 нафар (31,1%) беморда, кесишувчан (У-симон флегмон, панжа ортининг флегмони (апоневротик)) кўринишида 1 нафар (3,4%) беморда, панжа ортининг фурункуласи кўринишида 2 (6,7%) нафар беморда аниқланди (3-расм). Қабул қилинганда барча беморларда яралар яра жараёнининг I-фазасида бўлди.



3- расм. II Б кичик гуруҳ беморларида панжа йирингли жарроҳлик касалликларининг турлари (n=29)

Қабул қилинган пайтда беморларда клиник-лаборатория маълумотларига кўра умумий интоксикация кўрсаткичлари устунлик қилди: тана ҳароратининг сезиларли кўтарилиши ёки давомий субфебрилитет, тери қопламаларининг оқариши, гиподинамия, сустлашган пулс фониди юрак уриш частотасининг ортиши, қонда СОЭ кўрсаткичларининг ортиши,

лейкоцитлар миқдорининг, формулани чапга силжиши билан ортиши. Умумий белгиларга параллел тарзда касалликнинг маҳаллий белгилари ифодаланди: яра соҳасида тўқималарнинг гиперемия, шиши ва инфилтрацияси. Маҳаллий белгилардан 82,1% ҳолатда терининг мўтадил ёки ифодаланган гиперемияси ва тўқималарнинг шиши кузатилди. Даволаш жараёнида, яраларнинг битиб бориши билан, бу кўрсаткичлар тобора меъёрлашди.

Панжа ва бармоқларнинг йирингли касалликларига эга барча беморларга қабул қилинган куни, тезкор тартибда йиринг ўчоғини очиш операцияси ҳамда йирингли бўшлиқни антисептик, водород пероксидининг 3% эритмаси билан санацияси бажарилди, қуритилгандан кейин диметилсульфоксиднинг 25% кимёвий эритмаси билан санация олиб борилди, шундан сўнг левомекол мази ва диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан антисептик марли боғлам қўйилди. 80% дан ортиқ операциялар маҳаллий оғриқсизлантириш остида ўтказилди. Маҳаллий даволаш сифатида қўшимчасига суткасига 2 маҳал, 8 соат оралиғида диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳит қўлланди.

Қабул қилинган пайтда беморларнинг умумий ҳолати ўрта оғирлик даражасида бўлди. Беморлар умумий бетоблик ва ҳолсизлик, йирингли яра соҳасида оғриқли ҳислар, уйқусизлик ҳамда иштаҳа йўқолишига шикоят қилишди.

Касалликнинг муддати таҳлил қилинганида, аксарият беморлар (90% дан ортиқ) касаллик бошланганидан кейин икки суткадан беш суткагача оралиқда қабул қилинганлиги маълум бўлди.

Паранацияларнинг турли шакллари комплекс даволашда абактериал муҳитни қўллаш самарадорлиги. Бармоқларининг йирингли касалликларига эга беморларда диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳит қўллаб комплекс даволаш фонида 3-суткага келиб яра муҳитида рН $4,3 \pm 0,28$ ни ташкил қилди, яъни, нейтрал томонга силжиш кузатилди. Яра юзасининг суткасига ўртача $1,4 \pm 0,07\%$ га камайиши қайд

этилди. Яра экссудатида оксил миқдори ўртача $55,7 \pm 1,16$ г/л гача камайди. ПК нинг қайта ҳисобланиши, унинг ўртача $1,0 \pm 0,06$ бирликкача ўсишини аниқлади. Даволашнинг 5-суткасига келиб яра муҳитида рН нейтрал муҳитга яқин келди ($5,1 \pm 0,32$). Яра юзаси камайишининг суткалик фоизи ўртача $1,9 \pm 0,06$ % ни ташкил қилди. Яра экссудатининг оксили ўртача $52,5 \pm 2,33$ г/л гача пасайди. Бунда М.Ф.Мазурик бўйича ПК $1,3 \pm 0,07$ бирликка тенг бўлди. Даволашнинг 7-суткасида яра муҳитида рН нейтрал қийматларга яқин силжиб, $6,4 \pm 0,22^*$ ни ташкил этди. Яра юзасининг камайиши ўртача $2,9 \pm 0,23$ % га етди. ОК $1,5 \pm 0,08$ бирликка тенг бўлди. Даволашнинг 9-10-суткасига келиб яра муҳитида рН турғун нейтрал қийматга эга бўлди. Яра юзасининг камайиши ўртача $3,1 \pm 0,12$ % гача етди.

Мазкур кичик гуруҳда яраларнинг бактериологик тадқиқоти 18 (43,9%) кузатувда *Staphylococcus spp.* мавжудлигини, улардан 8 таси (19,5%) монокултура кўринишида ва 10 таси (24,3%) – ассоциациялар кўринишида; *Escherichia coli* – 11 та (26,8%) кузатувда аниқланганлиги, улардан 4 таси (9,7%) монокултура кўринишида ва 7 таси (17,1%) – ассоциациялар кўринишида; *Proteus* – 9 (21,9%) кузатувда аниқланганини, улардан 4 таси (9,7%) монокултура кўринишида ва 5 таси (12,1%) ассоциациялар кўринишида; *Streptococcus* – 8 (19,5%) ҳолатда аниқланганлиги, улардан 3 таси (7,3%) монокултура кўринишида ва 5 таси (12,1%) – ассоциациялар кўринишида, *Pseudomonas aeruginosa* 3 (7,3%) ҳолатда кузатилганлиги, улардан 2 таси (4,8%) монокултура кўринишида ва 1 таси (2,4%) – ассоциациялар кўринишида бўлганлигини аниқлади. Шундай қилиб, 75% ҳолатда микрофлора микроб ассоциацияси кўринишида қайд этилди.

Таҳлил қилинаётган кичик гуруҳда йирингли яраларда микроблар уруғланиш даражасининг динамик назорати қуйидагиларни аниқлади: қабул қилинган пайтда ярада микроблар уруғланиши биринчи гуруҳ билан мос бўлиб, 108 мт/г ни ташкил этди, яра жарроҳлик йўли билан қайта ишланиб, диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан абактериал муҳит маҳаллий қўлланганидан сўнг у 4 марта камайди, ушбу даволаш усули жараёнида

унинг янада камайиши кузатилди ва даволашнинг 2-3 суткасига келиб, бу беморларнинг яраларида микробларнинг уруғланши кескинлик чегараси даражасида ва ундан паст бўлиб, бунда тўқиманинг 10^3 мт/г – 10^2 мт/г қисмини ташкил қилди.

Панжанинг йирингли касалликлари бўлган беморларни комплекс даволашда яраларга диметилсульфоксиднинг 25% эритмасини қўлланиши яраларнинг инфекциядан даволашнинг 3-суткасида тўлиқ халос бўлишига олиб келди. 2-суткада яра атрофида инфилтратнинг фаол сўрилиши кузатилди. Донадорликнинг пайдо бўла бошлаши даволашнинг 5-суткасида, эпителизация эса 6-суткасида қайд этилди.

Ушбу кўрсаткичларнинг II А кичик гуруҳ беморларида даволаш натижалари билан қиёсий таҳлили, I А кичик гуруҳ беморларига қараганда, яранинг тозаланиш ва битиш муддатларининг 3-4 кунга ишончли камайишини кўрсатди.

